2005 I–XII

# 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

**Xabar**

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 7-yanvar, 1 (642)-son Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 январ куни Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди.**

**Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.**

♦*Матбуотда "А.Ҳ.Тўхтаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.*

♦**Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасида 5 январ куни Трансафғон йўлагини барпо этиш бўйича Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда мазкур кенгашнинг низоми қабул қилинди.**

♦*5 январ куни Тошкент аэропортидан ҳаж амалларини адо этиш учун дастлабки беш юз нафарга яқин ҳамюртимиз Саудия Арабистонига жўнаб кетди.*

*Уларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида бир неча кишидан иборат ишчи гуруҳи Саудия Арабистонига кетганди. Гуруҳ аъзолари ҳамюртларимизни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилдилар.*

♦**Тошкент Инновацион институтлар миллий уюшмаси ва Республика қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш маркази томонидан мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол қатнашчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Энг фаол иштирокчилар ва мутахассислар эълон қилиниб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ва махсус совғалари топширилди.**

## Ҳайъат йиғилишида

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров олиб борди.***





**Йиғилишда** "Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллик юбилейини нишонлаш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида" Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов маъруза қилди.

Университетнинг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш бўйича ҳайъат кенгашининг 2004 йил, 10 февралдаги қарори, шунингдек, Агентликнинг 2004 йил, 1 мартдаги буйруғига мувофиқ, ўтган йилнинг май ойидан бошлаб ўқув даргоҳининг аудиториялари, хоналари, лаборатория хоналари, мажлислар ва спорт залларини таъмирлаш режалаштирилганди. Ҳозирги кунга келиб 623 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Ўқув даргоҳи биносининг 3 ва 4-қаватидаги таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Барча хона ва аудиторияларга замонавий кондиционерлар ўрнатилди. Хуллас, бажарилиши лозим бўлган ишлардан ташқари қўшимча юмушлар ҳам амалга оширилди. Бунда "Ўзбектелеком" АК, "Матбуот тарқатувчи" АК, "ДЭУ-Юнител" ва "Ўздунробита" ҚҚларининг ҳиссаси катта бўлди.

Университет томонидан қатор тадбирларни амалга оширишга тегишли фармойишлар ва буйруқлар тайёрланган. Тасдиқланган тадбирлар режасида кўзда тутилган ишлар навбати билан амалга ошириб келинмоқда. Режанинг 7-бандига биноан "Университетнинг 50 йиллиги" махсус сайти яратилди. Шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖ билан биргаликда икки миллион дона махсус хатжилд чиқаришга келишилган. Университет тарихига бағишланган ўзбек ва рус тилларида рангли китоб чоп этиш режалаштирилмоқда.

Ўтган йилнинг 22 декабрида Вазирлар Маҳкамаси "Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилганди. Қарор иловасида юбилейни нишонлаш чора-тадбирлари белгиланган. Ушбу санага бағишлаб илмий-амалий конференциялар, семинар ва кўргазмалар ўтказиш режалари тузиляпти.

Университет ректори юбилейга тайёргарлик ишлари билан боғлиқ қатор муаммолар ҳам мавжудлигини айтиб ўтди.

"Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларда илғор ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳолати тўғрисида" Агентликнинг Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи С.Авганбайев маъруза қилди.

Маърузада айтилишича, Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларда ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, электрон ҳужжат айланиши тизимининг жорий этилишини баҳолаш мақсадида 25та корхонага сўровномалар юборилган ҳамда веб-саҳифалар янгиланиб борилишининг мониторинги ўтказилган. Сўровда аниқланишича, 25та корхона ва ташкилотларнинг 72 фоизи Интернет тармоғида ўз расмий сайтларига эга. Интернет тармоғида Оммавий коммуникация воситалари мониторинг маркази, Давлат фелдъегерлик хизмати, Республика махсус алоқа боғламаси, "Ўзалоқаконсалтинг" АЖларининг веб-сайтлари мавжуд эмас. Давлат алоқа инспекцияси, "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва АТ "Алоқабанк" каби корхоналарнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-саҳифаларида таркибий бўлинмалари тўғрисида маълумотлар бор. Бошқа корхоналарнинг веб-саҳифаларида эса ушбу маълумотлар йўқ.

Веб-саҳифалар мониторинги натижалари бўйича корхона ва ташкилотларнинг расмий сайтларидаги маълумотлар асосан рус тилида, 33 фоизи ўзбек, 6 фоизи инглиз тилида тақдим этилган, шулардан 19 фоизи мунтазам янгиланиб турилган. Электромагнит мослашув маркази, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, АТ "Алоқабанк", "Ўзбекистон почтаси" АЖ, Тошкент ахборот технологиялари университети, "Гранит" илмий ишлаб чиқариш корхонаси ва "Коинот" АЖ сайтлари беш ойдан кўп вақтдан буён янгиланмаган.

Шунингдек, йиғилишда "Алоқа объектларини эксплуатация қилиш бўйича меҳнат харажатлари ва алоқа корхоналарининг ишлаб чиқариш ходимлари миқдори нормативини аниқлаш муаммолари" ҳақида Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Маҳмудовнинг маърузаси тингланди.

Маълумки, ҳозирги кунда янги технологиялар, рақамли ускуналарнинг жорий этилишини, шунингдек, почта жўнатмалари ҳажми қисқарган шароитни ҳисобга олиб, алоқа корхоналарида ишлаб чиқариш штатлар сонини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас, борлари эса маънавий эскирган. Норматив базанинг йўқлиги эса мажбуриятлар доирасининг кенгайишига, қўшимча вазифалар юклашга ва ишлаб чиқариш штатини асоссиз қисқартиришга сабаб бўлиши мумкин. Маърузачи ушбу вазифалар қатори бошқа масалаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов мазкур масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***И.АҲМЕДОВ***

## Янги йилда ҳам ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораверсин

*Тарих зарварақларига яна бир йилнинг саҳифаси битилди. 2004 йил якунланиб, янги – 2005 йил ҳам кириб келди. Бу вақтда бир ортга қараб, амалга ошган ва бажарилмай қолган режаларимиз, шахсий турмушимиздан тортиб, йил давомида ҳаётимизда рўй берган жамики ҳодисаларни сарҳисоб қилишга ҳаракат қиламиз. Эришган ютуқларимизни давом эттириш, йўл қўйган хатоларимизни тузатиш фурсати ҳам айни шу пайтга тўғри келади.*

***Таҳририятнинг йиллик ижодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, аввалambор, энг катта ютуғимиз сифатида ҳар жума куни муштарийларимизга "Xabar"нинг янги сонини етказиб бера олганимизни таъкидлаш лозим. Бир ҳафта аввал газетамизнинг 2004 йилдаги сўнгги — Янги йил байрамига бағишланган 32 саҳифали махсус сонини мутолаа қилган эдингиз. Унда сиз, алоқачиларнинг, йил давомида амалга оширган меҳнатларингиз натижаси ўз ифодасини топганди. Мана, бугун газетанинг 2005 йилдаги биринчи сони ҳам қўлингизда турибди.***

**(Давоми 2-бетда.)**

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**Газетамизга 2005 йилга обуна давом этмоқда. Ҳечдан кўра кечи ҳам яхши деганларидек, энди сиз ҳар ойнинг йигирманчи кунигача обуна бўлсангиз, навбатдаги ойдан бошлаб йил охиригача газетамизни ўқишга муяссар бўласиз.**

***"Xabar"га барча алоқа бўлимларида ва газета дўконларида обуна бўлиш мумкин.***

**Нашр кўрсаткичи:**
Якка тартибдагилар учун — 227.
Ташкилотлар учун — 228.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# Мақсад — қонунбузарликка йўл қўймаслик

**_Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширувлар режасига асосланган 2004 йилги ишлар ўз поёнига етди. Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан жами 11та хўжалик юритувчи субъект, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги 8та корхона фаолияти кўриб чиқилди._**

**Текширишлар** жараёнида корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қонун ости ҳужжатлари, соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги, уларнинг жойларда ўрганилишига алоҳида эътибор берилди. Тармоқ стандартлари, меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда кўрсаткичлар меъёрлари ва фаолиятига берилган лицензия келишув шартлари бажарилмаганлиги сабабли 9 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳар бир тармоқ стандарти, амалга киритилган соҳага оид меъёрий ҳужжатлар билан иш жойларини таъминлаш ва фаолиятни ташкил этиш тўғрисида вилоят ДАИ томонидан маълумотлар мунтазам равишда хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиб борилган бўлса-да, бирортасида ушбу меъёрий ҳужжатни амалга киритиш ва фаолиятда қўллаш бўйича буйруқ чиқарилмаган. Бу ҳужжатлар маъмуриятда бўлса ҳам асосий иш жойларига етказилмаган ва ўрганилмаган. Бундай ёндашув эса жойларда ходимларнинг қоида, йўриқнома ва меъёрларни билмаслигига ва бунинг натижасида биринчи қайд қилиш ҳужжатларининг ҳар ким томонидан билганича юритилишига, носозликларнинг (аксарият телефон носозликларининг) назорат муддатида тузатилмаслигига, сифат кўрсаткичлари ва Давлат статистик ҳисоботларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Бўлинма ходимлари томонидан лицензиясиз фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш мақсадида ўтказилган рейдларда Шўрчи, Қумқўрғон туманларида уяли алоқа телефони орқали маҳаллий ва шаҳарлараро хизматлар кўрсатаётган жисмоний шахслар аниқланиб, маълумотлар ўрнатилган тартибда чора кўриш учун жойлардаги солиқ инспекцияларига тақдим этилди ва у шахсларнинг фаолияти тўхтатилди. Бундан ташқари, Денов шаҳрида лицензиясиз фаолият кўрсатаётган кабел телевидениесининг фаолияти тўхтатилиб, раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Вилоятда йил давомида 63та радиоэлектрон воситаларлар (РЭВ)ни ишлатишга рухсатнома олинган ва 173таси қайта расмийлаштирилган. Вилоят Электромагнит мослашув хизмати бўлинмаси томонидан маҳаллий телевидение, радио ва газеталар орқали мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига РЭВ ва юқори частотали қурилмалар (ЮЧҚ)ни киритиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш махсус рухсатномалар орқали амалга оширилиши тўғрисида эълонлар бериб борилмоқда. Шунга қарамасдан, 2004 йилнинг октябр ойида ЭММХ билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги рейдда "Сурхондарё Телеком" филиалининг Қумқўрғон телекоммуникациялар боғламаси биносида Ўзбекистон Республикасида фойдаланилиши тақиқланган SENAO SN-368 русумли радиотелефон ишлаб тургани аниқланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 152-моддасига асосан боғлама бошлиғи ва бош муҳандиси маъмурий жавобгарликка тортилди.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлар учун кўрилган чоралардан тўғри хулоса чиқаради ва 2005 йилда бундай камчиликлар қайтарилишининг олдини олади, деган умиддамиз.

***Жумагул МУРАТОВА,***
***Сурхондарё вилояти ДАИ бошлиғи***

**_Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 1 августдаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури тўғрисида"ги қарори ва шу асосда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳозирда эришилаётган ютуқларга замин тайёрлади._**

# "Бухоро Телеком": юксалиш даври

— **Кейинги 7-8 йил ичида** соҳага чет эл кредитларини жалб қилиш, замонавий технологияларни олиб кириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилдики, бу ҳақда алоҳида тўхтаб ўтиш лозим, — дейди биз билан суҳбатда "Бухоро Телеком" филиали директори Шариф Худойбердиев. — Жанубий Кореянинг ДЭУ компанияси билан 9367840 АҚШ доллари миқдоридаги шартноманинг имзоланганлиги Бухоро шаҳридаги умумий сиғими 30000 рақамга тенг бўлган бир қатор эски телефон станцияларини замонавий рақамли электрон станциялар билан алмаштириш имконини берди. 1997 йили вилоятимиз ҳудудидан Транс-Осиё-Европа оптик-толали кабел магистралининг ўтиши сабабли Қоровулбозор, Когон, Жондор, Қоракўл ва Олот туманлари вилоят маркази билан боғланди.

Умуман олганда, хориж давлатлари билан имзоланиб келинаётган битимлар кутилган самараларни бермоқда. Жумладан, Япония ҳукумати билан тузилган битимлар асосида Бухорода 1997—2000 йиллар мобайнида OECF-1 лойиҳаси амалга оширилганлиги, ушбу лойиҳа бўйича вилоят ва туманлар марказларидаги эски телефон станциялари ўрнига умумий ҳажми 65 минг рақамга тенг бўлган 18та замонавий телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги бунга аниқ мисол бўла олади.

— Ана шу давр ичида туманлардаги эски линия ва кабеллар ҳам олиб ташланди, — дея сўзини давом эттирди корхона раҳбари. — Уларнинг ўрнига умумий узунлиги 196 километрлик оптик-толали кабел магистрали ишга туширилди. Бундан ташқари, Бухоро шаҳрида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш имконига эга бўлган ҳамда умумий ҳажми 5000 каналга мўлжалланган рақамли шаҳарлараро автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Кейинги етти йил ичида эса вилоятдаги асосий телефон аппаратлар сони 87466тадан 98798тага етказилди.

"Бухоро Телеком" филиали билан шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари орасида маълумотларни узатиш учун замонавий корпоратив компютер тармоғи ишга туширилди. Вилоят марказида эса ягона "Биллинг маркази"нинг барпо этилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам ушбу йўналишдаги ишларда ижобий самара берди. Турган гапки, мижозларга кўрсатилаётган электралоқа хизмати сифатининг тобора яхшиланганлиги филиал ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги боғламаларининг иқтисодий кўрсаткичлари ошишига ҳам омил бўлди.

Филиал мутахассислари қишлоқ телефон тармоғини ривожлантириш ва қайта қуришга ҳам асосий диққат-эътиборни қаратишган. Зотан, бу вилоят телекоммуникация тармоғини ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан биридир. Шу боис ҳозирги пайтда "JBIC" банкининг кредити ҳисобига вилоят қишлоқ телефон тармоғида умумий сиғими 9000 рақамга тенг бўлган 17та рақамли АТС, 112 километр узунликдаги оптик-толали кабел линиялари ҳамда умумий сиғими 1000 рақамга тенг бўлган SDMA-450 русумли уяли телефон станциясини ишга тушириш бўйича ишлар юқори суръат билан олиб борилмоқда.

***Асқар ИСТАМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

ALOQA OLAMIDA

## ИШГА "БОРМАСДАН" ИШЛАШ

**Франс-Пресс агентлиги** хабар беришича, Японияда янги Интернет-дастур лойиҳасини яратиш ишлари бошланган. Агар лойиҳа кўнгилдагидек амалга ошса, 2010 йилга бориб кунчиқар мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 20 фоизи ўз уйларида туриб ишлашлари мумкин экан.

Айни пайтда иш билан банд 63,2 миллион японларнинг 6 фоизи ёки 4 миллиони қисман ёхуд тўлиқ равишда уйларидан туриб хизмат бурчларини ўташмоқда. Масалан, шу йилнинг январидан Япония алоқа вазирлигининг 6 нафар ходими шу тарзда ишлашни бошлади. 2006 йилда эса вазирлик виртуал хизматчилари сони 2500 кишига етади, бу эса жами ходимларнинг 20 фоизи демакдир. Бу тарзда ишловчи ходимлар сони, албатта, Интернетга кенг кўламда кириш имкониятлари ошишига мутаносиб равишда кўпайиб боради.

2004 йилнинг июл ойида In-Stat/MDR таҳлил гуруҳи томонидан ўтказилган тадқиқотлар 44 миллион америкаликлар шу йўналишда фаолият олиб боришганини кўрсатди. 2008 йили бу кўрсаткич 51 миллионга етиши кутилмоқда.

## ГЕРМАНИЯЛИКЛАР УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ




**Германиянинг** йирик концернларидан бири — Siemens уяли телефонлар ишлаб чиқаришни тўхтатиши мумкин. Яъни, савдо белгисини сақлаб қолган ҳолда, телефонлар ишлаб чиқариш ҳуқуқи бошқа бир компанияга сотиб юборилади.

Ҳозирча бўлажак харидорнинг номи аниқ эмас. Хитойнинг Ningbo Bird компанияси (Siemensнинг ушбу мамлакатдаги дистрибютори) ушбу ҳуқуқни сотиб олишга даъвогар эканлиги ҳақидаги эҳтимоллар эса ҳозирча Siemens раҳбарияти томонидан тасдиқланмаган. Фақат январ ойи охирига бориб масалага ойдинлик кириши мумкин экан.

Ўтган йилнинг сўнгги чорагида концерн уяли телефонлар ишлаб чиқаришдан деярли 150 миллион евро зарар кўрган. Бунга катта рақобат ва сифатга оид омиллар сабаб бўлган. Масалан, аккумулятор қуввати камайганда телефондаги қўнғироқ овози баъзида шунчалик кучайиб кетарканки, бу қаттиқ бош оғриғига ҳам сабаб бўларкан.

Сўнгги маълумотларга кўра, Siemens 7,6 фоизлик улуш билан мобил телефонлар бозорида тўртинчи ўринни банд этиб турибди. Бироқ бешинчи ўринни эгаллаб турган LG билан ўртадаги фарқ бор-йўғи фоизнинг ўндан бир улушига тенг.

## ХИТОЙДА 329 МИЛЛИОНТА УЯЛИ ТЕЛЕФОН

**Мобил алоқа хизмати** мижозлари оддий телефондан фойдаланувчилар сонидан ошгани Халқаро Электралоқа Иттифоқи томонидан қайд этилган. Рейтер агентлигининг хабар беришича, уяли телефон эгалари сони 1,5 миллиард кишига, оддий телефон хизмати мижозлари сони эса 1,2 миллиардга етган. Масалан, Ҳиндистонда ҳозирги кунда 44,5 миллион уяли телефон эгалари бор. Бу телефондан фойдаланувчиларнинг 50,3 фоизини ташкил этади.

Умуман олганда ўтган йили мобил алоқа хизмати кўрсатувчи операторларнинг мижозлари асосан уч мамлакат — Хитой, Ҳиндистон ва Россия фуқаролари ҳисобига кўпайган. Агар таққослайдиган бўлсак, 2004 йили бу мамлакатларнинг улуши 56 фоиз, охирги тўрт йилда эса 79 фоиз бўлган. Сўнгги маълумотларга кўра, "уяли" хитойликлар сони 2004 йили 329 миллионга етган бўлса, янги мижозлар ҳисобига россиялик тезкор қурилма эгалари 60 миллион кишига етган.

***Интернет материаллари асосида тайёрланди***

## Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Агентлик (Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги)нинг 50 йиллиги ва Тошкент телеминорасининг 20 йиллиги юбилейларига бағишланган эсдалик эмблемаларни яратиш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

***Танлов шартлари:***

1. Эмблемалар алоқа соҳасининг тарихи, бугуни ва келажаги ифодасини, Агентлик эмблемаси 50 (1955—2005), телеминораники эса 20 (1985—2005) саналарини ўз ичига олган бўлиши лозим.
2. Соҳанинг кўп қиррали йўналишлари (телекоммуникация, почта, радиотелевидение ва бошқалар) инобатга олиниши керак.

**Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади:**
*Биринчи мукофот — ҳар бир эмблема учун* **100000 сўмдан.**
*Рағбатлантирувчи мукофотлар —* **50000 сўмдан.**

***Танловда хоҳловчилар иштирок этишлари мумкин.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 28а-уй.**

**Мурожаат учун телефонлар: 138-41-07, 138-41-72.**

*Лойиҳаларни 2005 йил, 13 январгача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига юборишингизни сўраймиз.*

*Мавзу моҳиятини акс эттирган энг сара лойиҳалар соҳа мутахассисларидан иборат ҳайъат томонидан танлаб олинади ва ташкилий қўмита тасдиғига киритилади.*

# НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

## МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

### С китайским национальным 3G, похоже, ничего не получится

**Пятимесячные** испытания национальной технологии мобильной связи третьего поколения TD-SCDMA закончились провалом.

По информации журнала The Register, ссылающегося на китайскую газету China Daily, китайским производителям оборудования мобильной связи пока не удается создать работоспособную сеть, поддерживающую национальный стандарт мобильной телефонии третьего поколения. По мнению членов государственной комиссии, оценивших результаты пятимесячных испытаний, технология TD-SCDMA все еще не готова к коммерческому использованию.

### В Казахстане развернули опытную зону CDMA 2000



**Пресс-служба** компании Ericsson объявила о развертывании опытной зоны CDMA 2000 1X в диапазоне 450 МГц в городе Талгар, Казахстан.

Решение CDMA 2000 1X в диапазоне 450 МГц, основанное на платформах 3-го поколения, поддерживает дальнейшую эволюцию стандарта CDMA2000. Оно также является составной частью портфеля решений Expander. Проект реализован по заказу Агентства Информатизации и Связи Республики Казахстан совместно с казахстанскими партнерами. Опытная зона CDMA2000 развернута в коммерческой сети «Далаком».

### Mera поставит VoIP-решения в Узбекистан

**Компания Mera Systems** поставит VoIP-решения крупнейшему оператору Узбекистана «Узбектелеком».

Заключен контракт на поставку контроллера соединений Mera VoIP Transit Softswitch. «Узбектелеком» планирует развернуть собственную сеть IP-телефонии в дополнение к имеющейся телефонной сети с коммутацией каналов, охватывающей территорию всей республики.

Первая поставка включает в себя программный комплекс, в который входит контроллер соединений MVTS и графический интерфейс MVTS Manager для администрирования MVTS и мониторинга VoIP-сети. В настоящее время MVTS устанавливается в головном офисе «Узбектелекома» в Ташкенте. MVTS свяжет воедино 12 «VoIP-островков» — региональных сетей, развернутых филиалами компании в городах Узбекистана. В дальнейшем планируется наращивание строящейся VoIP-сети и увеличение производительности контроллера MVTS. Для подключения корпоративных SIP-сетей «Узбектелеком» планирует дополнить контроллер соединений MVTS модулем SIP-HIT, обеспечивающим трансляцию протоколов SIP/H.323, а также конвертацию медиа-кодеков.

### Мобильник с вводом данных с визитки



**Как сообщает The Korea Times,** пятый мировой производитель сотовых телефонов – компания LG – начала продажи своего нового мобильного телефона LG-KP3800.

Новинка, оборудованная функцией распознавания текста, позволяет сохранять персональную информацию в адресной книге с помощью фотографирования визитных карточек. Для этих целей модель оборудована камерой с матрицей разрешения 1,3 мегапикселя.

### Продажи мобильных телефонов в Европе выросли на 24%

**Исследование,** проведенное компанией IDC, показало, что в третьем квартале 2004 года продажи мобильных телефонов в Европе выросли на 24%. Статистические данные показывают, что в вышеуказанный период было продано 34 млн. единиц мобильных устройств (мобильных телефонов и многофункциональных мобильных устройств) против 27,6 млн. единиц в 2003 году. Объем продаж мобильных телефонов вырос на 23%, когда как зона покрытия рынка многофункциональных мобильных устройств составила 70%. Также IDC констатирует, что стандартными сотовыми телефонами до сих пор пользуется большинство, а именно 95% пользователей.

### Ароматные японские мобильники / Helpix

Слышали ли вы когда-либо о телефоне, который во время звонка источает запах? Недавно в Японии появились мобильники с довольно необычными возможностями.

Когда на них поступает звонок, они начинают издавать запах, который заранее выбрал владелец телефона: лимон, персик и даже лапша или кэрри. Чтобы сделать телефон пахучим, нужно прикрепить к нему небольшое украшение.

Такие безделушки стали уже очень популярными в Японии, а теперь новая мода пришла и на Тайвань и в другие азиатские страны. Ароматные украшения выполнены в самой разной форме: яйца, рыбки, животные, машинки и т.п.

## ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ

### РБК признан лучшим СМИ в Рунете

**На днях** состоялось торжественная церемония вручения Премии Рунета, приуроченная к первому юбилею российского сегмента сети интернет. РБК стал лауреатом премии в номинации «СМИ Рунета».

Группе компаний был вручен диплом «За вклад в развитие российского сегмента сети Интернет». За звание лучшего СМИ боролись 5 изданий, включая газету «Газета.ру», радиостанцию «Эхо Москвы», РИА «ИТАР-ТАСС» и «Лента.ру».

### i-mode шагает по Европе

**Как сообщает** The Guardian, 20 млн. пользователей мобильных телефонов в Британии, Германии и Ирландии получат доступ к высокоскоростному выходу в интернет. В Японии данным сервисом пользуются уже в течение 5 лет.

Сервис i-mode, предоставляемый компанией NTT DoCoMo, будет лицензирован британскому оператору mmO2 для этих трех стран. Служба предоставляет ряд услуг, в том числе, отправка электронной почты, путешествие по интернету, скачивание игр и рингтонов.

Более 90% абонентов DoCoMo – 42,6 млн. человек – подписались на i-mode, что позволяет получить высокоскоростной доступ к более чем 70 тыс. совместимым сайтам.

### Ультракомпактный ноутбук




Московское представительство компании Acer объявило о начале поставок на российский рынок новой серии ультрапортативных ноутбуков TravelMate 380. Эта серия будет представлена двумя моделями TravelMate 382TCi и TravelMate 382TMi, которые появятся в продаже в начале декабря 2004 года. Рекомендованная розничная цена на эти модели составит соответственно $1775 и $1995.

Мобильные ПК TravelMate серии 380 построены на базе платформы Intel Centrino, которая позволяет значительно уменьшить вес и габариты ноутбука при высокой производительности и длительном времени автономной работы. Ноутбуки этой серии оснащены процессором Intel Pentium M с тактовой частотой от 1,6 ГГц, 2 МБ кэш памяти второго уровня и частотой системной шины 400 МГц.

### Пассажиры сингапурских авиалиний смогут пользоваться высокоскоростным интернетом

**Авиакомпания** Singapore Airlines (SIA) в будущем году запустит сервис, благодаря которому пассажиры, пользующиеся ее услугами, смогут получить во время полета высокоскоростной доступ в интернет, сообщает AFP. Сервис стал возможным при сотрудничестве с подразделением Boeing – Connexion. Он будет опробован на рейсе Сингапур-Лондон уже в первом квартале 2005 года.

Авиакомпания также планирует в середине 2005 года предоставить своим пассажирам дополнительные услуги. Например, возможность просмотра глобальных телевизионных каналов. Всего переоборудованию повергнутся более 40 самолетов. Сервис станет платным. За неограниченное пользование высокоскоростным интернетом в течение 6 часов полета пассажиры должны будут заплатить около $30.

### Новый способ обнаружения вирусов

**Разработчики** из исследовательской лаборатории HP полагают, что им удалось разработать новый способ снижения распространения вирусов, сообщает PCPro. По их мнению, вирусного червя выдаст временная частота или скорость, которая значительно больше частоты других процессов пользователя или системных процессов на компьютере.

Программа, созданная специалистами HP, позволит локализовать и приостановить работу вируса. В HP протестировали 50 собственных серверов, намеренно инфицированных вирусами, и эксперимент оказался удачным. Компания намерена установить подобную программу на свои серверы ProLiant и ProCurve. В HP не объяснили, будет ли она также устанавливаться на ПК, которые являются самой вероятной мишенью для вирусных атак.

### Словари «СловоЕд» адаптированы под Windows Mobile 2003 SE

**Компания Paragon Software** (SHDD) выпустила новую версию линейки мультиплатформенных многоязычных словарей «СловоЕд» 3.04, предназначенной для карманных персональных компьютеров (КПК) под управлением операционных систем семейства PocketPC/Windows Mobile. Новизна словарной оболочки «СловоЕд» 3.04 заключается в ее детальном соответствии специфике новой ОС Windows Mobile 2003 Second Edition, а также оригинальных функций КПК данной платформы.

Одной из отличительных особенностей Windows Mobile 2003 Second Edition является поддержка альбомного режима экрана. Соответственно, словари, входящие в линейку «СловоЕд» 3.04, корректно поддерживают горизонтальный режим экрана на всех КПК с указанной операционной системой (например, на таких моделях, как ASUS 730, Compaq iPAQ 3970, Toshiba e800, Qtek Jam s100).

*По материалам Интернет*

IQTISODIY SAVODXONLIK

# ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

***(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)***

**Франко** *(франко, free)* — Олди-сотди ва товарларни етказиб бериш шартномаларида қўлланиладиган халқаро термин. Келишувга кўра товарни жўнатиш бўйича харажатларнинг бир қисми сотувчи томонидан тўланади. Сотиб олувчи молни суғурта қилишдан ва транспорт харажатларидан озод бўлади.

**Франчайзинг** *(франчайзинг, franchising)* — Французча сўздан олинган бўлиб, имтиёз, енгилликлар деган маънони билдиради. 1) Йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналарининг келишув шакли; 2) Давлатнинг хусусий корхонага берадиган махсус имтиёзи.

**Фрахт** *(фрахт, freight; lading; traffic)* — Денгиз транспортида юк ва пассажирларни ташиш учун транспорт воситаси эгасига тўланадиган ҳақ; фрахт юкларни тушириш, юклаш, жойлаштириш ва ташишни ўз ичига олади. Фрахт ҳақи ички юкларни ташишда тарифлар бўйича, ташқи юкларни ташишда эса шартномага кўра келишилган тартибда тўланади.

**Федерал захира тизими** *(федеральная резервная система, Federal Reserve System, FED)* — АҚШ давлат банк-кредит тизими. Давлат томонидан Марказий Банкнинг банк кредити учун ҳисобли фоиз ставкаларини ўрнатиш билан пул-кредит муносабатларини тартибга солиш, тижорат банкларида бошқа маблағларнинг мажбурий резерв миқдорини белгилаш учун мўлжалланган. 1913 йили ташкил этилган бўлиб, у 12 федерал захира банклари йиғиндисидан иборат.

**Фьючерс битимлари** *(фьючерсные сделки, futures contract)* — Товар ёки фонд биржасида бажариладиган муддатли битимлар.

**Х**

**Хайринг** *(хайринг, hiring)* — Ижара мулки бўйича тузилган ўрта муддатли шартнома.

**Халқаро валюта фонди** *(Международный валютный фонд, International Monetary Fund)* — Халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси. 1944 йили валюта курсларининг ўртача муддатли валюта курсида заёмлар бериш йўли билан бир меъёрда сақлаб туриш учун тузилган. Вашингтонда жойлашган.

***(Давоми бор.)***

# СКАНВОРД

*Тузувчи: Аслиддин БЎРИЕВ.*

**калит сўз:** 1 2 3 4 5 6 7 8




SPORT SPORT SPORT



# Кучлилар аниқланди

**Ўзбекистон Республикаси** Маданият ва спорт ишлари вазирлигида спорт бўйича 2004 йил номинацияларига ғолиблар аниқланди. Унга кўра, **"2004 йилнинг энг яхши спортчиси"**, деб шахматчимиз **Рустам Қосимжонов** эътироф этилди. Қолган номинация ғолиблари қуйидагилардан иборат.



**Йилнинг энг кучли спортчилари:**

1. Артур Таймазов — эркин кураш.
2. Александр Доктурашвили — юнон-рум кураши.
3. Магомед Ибрагимов — эркин кураш.
4. Ўткирбек Ҳайдаров — бокс.
5. Баҳодир Султонов — бокс.
6. Эркинбек Қутибоев — муайтай.
7. Миржалол Қосимов — футбол.
8. Абдулла Тангриев — дзюдо.
9. Сирожиддин Зайниддинов — шахмат.
10. Манзура Иноятова — стол тенниси.

**Йилнинг энг иқтидорли спортчилари:**

1. Алишер Курязов — кураш.
2. Тимур Гареев — шахмат.
3. Негмат Ешетаев — эркин кураш.
4. Фурқат Саидов — оғир атлетика.
5. Олеся Ашаева — бадиий гимнастика.

**Йилнинг энг яхши мураббийи:**

Алишер Абдуллаев — бокс.

# "Реал"да янги бош мураббий

**Ўтган ҳафта** Бразилия терма жамоасининг собиқ устози Вандерлей Лушембурго Мадриднинг "Реал" клубига янги бош мураббий этиб тайинланди.

— Мен Мадридга келганимдан жуда ҳам хурсандман, — деди матбуот анжуманида Лушембурго. — "Реал"га устозлик қилиш — ҳар қандай мураббийнинг орзуси.

Шу кунга қадар "Сантос"да фаолият юритиб келаётган 52 ёшли бу мутахассис Бразилияда энг кучли мураббийлардан бири сифатида эътироф этилади. Эслатиб ўтиш жоизки, "Қироллик клуби"да ушбу мавсумнинг ўзида учинчи бор мураббий алмашди. Мавсумни Хосе Антонио Камачо бошлаб берган бўлса, ҳеч қанча вақт ўтмасдан кўпчилик учун нотаниш бўлган Гарсия Ремон ушбу лавозимга кўтарилган эди. "Реал"нинг Испания чемпионатидаги муваффақиятсиз ўйинлари сабабли Ремон ҳам ўз ўрнида кўп вақт қола олмади. Энди янги мураббийнинг тақдири қандай кечади, буни вақт кўрсатади.


# ЭЪЛОН!

## ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:**

**Кафедра мудири:**
Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари — 1.

**Доцентлар:**
Информатика — 1,
Олий математика — 1,
Фалсафа — 1.

**Катта ўқитувчилар:**
Радиотехника ва радиоалоқа — 1,
Электрон ва квант асбоблар — 1,
Иқтисодиёт назарияси — 1,
Фалсафа — 2,
Чет тиллар — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**
Информатика — 1,
Почта хизматини автоматлаштириш — 1,
Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1,
Электрон ва квант асбоблар — 1.

**Манзилимиз:**
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 138-64-06.

***Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.***


Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Жиззах Телеком» филиали ва "ЎзИ-Жиззах" филиали жамоалари корхона ходими Замира Амирхоновага турмуш ўртоғи, "Жиззах Телеком" филиалининг Капитал қурилиш ва таъмирлаш бўлими бошлиғи

**Одил АБДУАЛИЕВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Алоқаинвест" АЖнинг Жиззах вилояти алоқа кўчма механизациялашган жамланмаси жамоаси "Жиззах Телеком" филиалининг Капитал қурилиш ва таъмирлаш бўлими бошлиғи

**Одил АБДУАЛИЕВ**нинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

SIZ KUTGAN UCHRASHUV

***Ҳандалак. Унинг ёқимли ҳиди инсонларни оҳанрабодек ўзига тортади. Тиллодек ранги эса уни янада жозибали қилиб кўрсатади. Бу ёз неъмати ҳар доим ҳам бўлавермайди. Шунинг учун бошқа полиз экинларидан ажралиб туради.***

***Яна битта "ҳандалак" бор, яъни "Ҳандалак"чилар. Улар доимо инсонларга хушкайфият улашади.***

***Газетамизнинг бугунги азиз меҳмони таниқли қизиқчи Ортиқ СУЛТОНОВдир.***



# Тирмашиб-чирмашиб ғалвирда қолдик

***— Ортиқжон, латифаларни ким ўйлаб топади?***

— Ривоят қилишларича, янги латифаларни ўзга сайёраликлар тўқиб, бизга етказишар ва улар орқали бизни тарбиялашга ҳаракат қилишаркан. Одамлар осмонни "ковлаб", ўзга сайёраликларни қўлга олишга ҳаракат қила бошлаганликлари учун улар ўз сайёрасига кетиб қолишган эмиш. Шу боис "янгилари" камайиб қолган экан.

***— Кулгили гапларни қаердан оласизлар?***

— Эски шаҳардан. Шундоқ ичкарига кирсангиз, учинчи темир дарвоза. Бир килоси 500 сўм. Уни "оптим" олиб, устига атиги 100 сўм қўйиб сотамиз.

***— Қизиқчи бўлиш учун нималарга эътибор бериш керак?***

— Қизиқчи, авваламбор, билимли, сезгир ва ҳушёр бўлмоғи, латифалар моҳиятини аввал ўзи ҳис қилиши ва уни бошқаларга етказа билиши керак. Бундан ташқари, ихтирочи бўлиш ҳам лозим. Ҳар қандай вазиятда қувноқ ва зукколик талаб этилади.

***— Бачканалик ҳақида нима дея оласиз?***

— Ўзига ярашмаган қилиқни қилиш, ўзига мос келмаган гапни гапириш, қўпол иборани ноўрин ишлатиш бачканаликдир.

***— Ижодингизда қўшиқнинг ўрни қандай?***

— Биз кўпроқ ҳазил қўшиқлар айтамиз. Хонанда Азамат Шариповнинг укаси Учқунжон "Евроазия" студиясида оранжировка қилади. Оҳангини ўзимиз топиб, сўнгра шеърини ёдлаб, қўшиқ қилиб ёздирамиз. Аммо биз ҳар доим жонли ижрода қўшиқ айтамиз. Фонограммани умуман ишлатмаймиз. Қизиқчиликнинг ўзига хос томони — у ҳар сафар бойиб бориши керак. Уни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди.

***— "Ҳандалак" кўрсатуви қандай ташкил этилган?***

— Талабалик давримизда Эргаш Каримов, Эргаш Раимов, Эргаш Султонов... хуллас, уч Эргашга эргашиб телевизион миниатюралар театрида қатнашиб юрардик.

Дастлаб "Ғайра-ғайра" гуруҳини туздик. Сўнгра "Бир кун — бир ойда", "Бир гапим бор — уч тилло", "Аралаш-шоу", "Шунчаки ҳазил", "Яхши кайфият" деган номлар билан ижод қилдик. Ниҳоят, "Ҳандалак"ни маъқул топдик. 2000 йилдан буён шу ном билан ижод қиламиз.

***— Қизиқчи тадбиркор ёки бизнесменми?***

— Беш-олтита одамнинг бошини бириктирдингми, қўпол қилиб айтганда, уларни боқишинг керак. Демак, тадбиркорсан.

Деҳқон экиб-терганидан бола-чақа боқади. Деҳқон бозорда, биз ижодимиз билан саҳнада. "Бир нарсадан кечмасанг — бир нарсага эришолмайсан", дейишади. Маблағни тўғри сарфлаб, фойда билан чиқишинг керак. Демак, бизнесменсан.

***— "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар", дейишади...***

— Устозларми? Ҳаётда санъаткорми, санъаткор эмасми, кимлардандир нималарнидир ўрганамиз. 1989 йили Ҳожибой акадан "қўл" олганман. Ҳожибой Тожибоев "Халқлар дўстлиги" саройида "Ортиқжон менинг шогирдим бўлади", дея менга оқ фотиҳа берган. Аммо мен Ҳожибой акага тақлид қилмайман, у кишидан ўрганаман. Уларнинг гапини айтиб бировни кулдириш жуда қийин. Ҳар бир санъаткор ўз гапини айтиши керак.

***— Ҳаётда қўллайдиган шиорингиз?***

— "Топганинг тўйга буюрсин!". Шу ақидага амал қилиб яшаймиз.

***— Ота-онангиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз?***

— Раҳматли онам Ҳайитой Зиё қизи. Бобомни Зиё амин деганлар. У атрофдаги етти маҳаллага мироб бўлган. Бобомнинг она бир, ота бошқа Мирзабадал полвон деган жигарлари бўлган. Унинг қизи Бадал момомни эслайман. Чиққан-синганни даволарди. Оламдан ўтаётиб, катта ўғли Қурбон бобога қўл берган. Қурбон бобо — менинг отам. Отам Мирзабадал полвоннинг невараси.

***— Санъаткорларнинг уйига тез-тез қўнғироқлар бўлиб туради. Хотинингиз рашк қилмайдими?***

— Хотиниммми? Албатта, рашк қилади. Аввалига рашк қилди, сўнгра кўникди.

***— "Сотка", яъни телефон ҳақидаги латифангизни айтиб беринг.***

— Тилимизга "сотка" бўлиб кирувди. Ҳозирги атамаси "қўл".

Бир зиёли йигит телефон қилди:

— Зокиржон билан боғландик. Яна икки соатдан кейин "қўли"га чиқасиз.

Бунга чидаса бўлади. Энди бунисига эътибор беринг. Баъзан кўчада:

— "Сал туриб "қўлим"га қиласиз!", ё, "қўл"ингизни қўшиб қўйинг, ҳал бўлса, мен "қўл"ингизга қиламан..."

Чет элдан келган-келаётган ўзбеклар, умуман, ўзбекчани биладиганлари ҳайрон.

Суҳбатимизни қуйидаги тўртлик билан якунласам:

*Мана, ўттизниям*
*қаршилаб олдик,*
*Олтмиш бутун бўлса,*
*ярмига бордик.*
*Сарҳисоб қилсак*
*гар ютуқларимиз,*
*Тирмашиб-чирмашиб*
*ғалвирда қолдик!*

***— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!***

***Хонбиби ҲИММАТ қизи***
***суҳбатлашди***

BILASIZMI?

# Янги йил афсоналарда

***Қадим замонлардан буён Янги йил барча халқларнинг асосий байрамларидан бўлиб келган. Ҳар бир миллат бу байрамни ўзига хос тарзда нишонлаган.***

**Қадимги Мисрда** йилнинг бошланиши ҳар бир сулоланинг тахтга келиш давридан ҳисобланган бўлса, римликлар йил бошини милоддан аввалги 753 йилдан — Римнинг ташкил этилишидан белгилашган. Яҳудийлар эътиқоди бўйича Янги йил, дунёнинг яратилиш вақтидан, яъни милоддан аввалги 3761 йилдан бошланган.

Мазкур байрам қадимги Месопатамия ва Мисрда пайдо бўлганлиги тарихий асарларда қайд этилади. Бу ерда антик маданиятнинг илк масканлари — Шумер, Бобил, Оссурия каби давлатлар пайдо бўлган. Айнан шу ерларда Янги йилни нишонлашнинг илк кўринишлари юзага келган. Баъзи миллатларда йил ҳисоби ой-қуёш тақвими бўйича ҳисобланган, шунинг учун ҳам йил боши гоҳида кузда, гоҳи қишда кирган. Лекин кўпчилик халқларда бу байрам табиатнинг уйғониши ва ўсимликларнинг кўкариши билан боғланар эди.

Месопатамияда деҳқончилик ишлари мартнинг охирида Дажла ва Фрот дарёларининг суви кўтарилиши билан бошланган. Ана шунда 12 кун давомида одамлар ҳар хил рақсларга тушишган, юзларига ниқоб кийиб олишиб, байрамни нишонлашган. Бу байрам уларнинг эзгулик худоси Мардукнинг ўлим ва бузғунчилик кучлари устидан эришган ғалабаси шарафига ҳам бағишланган. Бобилликлар эътиқодига кўра, Мардук Фрот дарёсида ўз кемасида сузиб, инсонларга ёрдам бериб юрган, деб ҳисобланади. "Карнавал" сўзининг келиб чиқиши бобилликлар билан боғлиқ. Яъни уларнинг тилида бу сўз "денгиз кемаси" деган маънони англатади.

Қадимги мисрликлар ҳар йили январ ойида ҳосилдорлик худоси Осириснинг ўлими ва қайта тирилишини нишонлашар эди. Улар бу байрамни катта тантаналар ила дастурхонларга турли ноз-неъматлар, пишириқлар қўйиб ўтказишган.

Март қадимги римликларнинг биринчи ойи ҳисобланиб, улар бу даврда деҳқончилик ишларини бошлаб юборишган. Милоддан аввалги 46 йилда Рим императори Юлий Цезар йил бошини 1 январ деб белгилади. Унинг номи билан аталган Юлиан тақвими кейинчалик бутун Европага тарқалди.

Шунингдек, Янги йил байрами кўпинча диний одатлар билан боғланиб келинган. Бу нарса бугунги кунда ҳам кўзга ташланади.

Христиан динининг ақидасига кўра, Янги йил Исо пайғамбарнинг туғилиши билан бошланади. Лекин дастлабки икки асрда христианларнинг ўзлари ҳам бу байрамни нишонламагани тарихдан маълум. Исо пайғамбарнинг туғилган куни ҳам ҳозирги кунгача ҳеч кимга маълум эмас. Лекин православлар бу кунни Юлиан тақвими бўйича 7 январ деб ҳисоблашса, католиклар Григориан тақвими бўйича 25 декабр деб билишади.

Янги йил Европа давлатларида турли даврларда нишонланган. Францияда 755 йилгача 25 декабр, кейин 1 март, XII асрдан бошлаб Пасха куни, 1564 йилда эса Қирол Карл IX нинг буйруғи билан 1 январ расман Янги йил куни деб аталган. Германияда XVI асрда, Англияда эса XVIII асрдан бошлаб Янги йил ушбу кунда нишонланади.

Россияда 1492 йили Буюк княз Иоанн III Москва соборининг йил боши 1 сентябрдан, деҳқонлар солиқ тўлаш давридан бошланиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлади. Пётр I эса 1 январни йил боши деб эълон қилиш билан биргаликда шу куни Москвадаги барча уйларда безатилган қайин дарахтининг шохлари бўлиши лозимлигини буюрган эди.

Қорбобо образи асрлар давомида шаклланиб келган. Унинг ватани ҳақида гап кетганда Дания, Швеция, Туркия, Англия ва бошқа бир неча давлатларни санаб ўтиш мумкин. Лекин кўпроқ учрайдиган маълумот Скандинавиядаги қадимий Лапландия ўлкаси ҳақидадир. Шундай бўлса-да, дунёдаги турли халқлар уни ўзларича талқин қилишади. Ўрта асрларда 19 декабрда Авлиё Николай кунининг нишонланиши Европада одат тусига кириб қолди. Шу куни барча инсонларнинг болаларга совға бериши анъанага айланди. Ота-оналар болаларига янги йил қувончлироқ бўлиши учун уни ўзлари топширмай, Қорбоболар орқали совға қилишган.

Қорбобонинг либоси ҳам бирданига пайдо бўлиб қолмаган. Дастлабки пайтларда у ёмғирпўшда тасвирланар эди. XIX асрнинг бошига келиб голландиялик рассомлар уни узун пўстинда, уй томига чиқиб, мўри орқали совға улашадиган образга айлантиришганди. Ўша асрнинг охирига келиб эса унинг пўстини қизил тусга киритилиб, залворли оқ мўйна билан безатилди. Қорбобонинг ҳозирги тусга киришига америкалик ва англиялик рассомлар Томас Найт ва Ричард Тенниел ўзига хос ҳисса қўшишди.

Қорқиз ҳам қадимги Миср ва Бобил афсоналарида деҳқончилик маъбудининг шериги бўлган. Қадимги хеттларда оила раҳнамоси аёл қиёфасида бўлиб, Аттис унинг шериги ҳисобланган. Ривоятларга кўра, Аттис маҳбубаси хаҳрида куйиб, қайин дарахти тагида вафот этади. Шунинг учун ҳам хеттларда қайин дарахти муқаддас ҳисобланган.

Славянларда бир неча аёл қиёфасидаги маъбудалар ҳам бор эди. Улардан бири Мокош дейилган. Тарихчилар айнан уни Қорбобонинг «қорқиз»и деб ҳисоблашади.

***Абдумажид АҲМЕДОВ***
***тайёрлади***


## Табриклаймиз!

***"Фарғона Телеком" филиали жамоаси ўзаро ҳисоб-китоб бўлимининг етакчи мутахассиси Зуҳрахон ИСМОИЛОВАни эллик ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, фарзандларининг камолини кўришини тилайди.***



**МУАССИС:**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНҒИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

**060-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 9278 нусха.**

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

**Саҳифаловчи:** А.БЎРИЕВ.

**Матн терувчи:** Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.